

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯГА УЧРАШИ (ЎЗБЕК ТҶЙЛАРИ МИСОЛИДА)

Абдужаббарова Мусаллам Лапасовна

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

Педагогика фанлари номзоди, доцент

Аннотация

Мазкур мақолада ўзбек халқининг миллий қадриятлари, урф-одатлари ва маросимларининг глобаллашув жараёнидаги трансформацияси таҳлил қилинган. Жумладан, никоҳ маросимлари, суннат тўйлари, чақалокқа исм қўйиш каби урф-одатларнинг шаклан ва моҳиятан ўзгариши мисоллар орқали кўрсатилган. Миллий маросимларга Европа ва Ғарб маданияти таъсирининг қўлами таҳлил қилинган ҳамда фуқаролик никоҳи тушунчасининг пайдо бўлиши ва унинг ўзбек жамиятидаги ўрни очиқ берилган. Шунингдек, миллийликни сақлаб қолиш ва унинг аҳамиятига урғу берилган.

Калит сўзлар: Миллий қадриятлар, урф-одатлар, глобаллашув, никоҳ маросимлари, суннат тўйи, фуқаролик никоҳи, трансформация, этник маданият, миллийлик.

Ўзбек халқининг миллий қадриятлари, миллий урф-одатлари, анъаналари ва ўзбекона маросимларининг “янгилаш” кўринишга айланиб бораётганига ҳам глобаллашув сабаб бўлмоқда. Жумладан, ўзбек халқининг оилавий маросимларидан бўлган ўзбек тўйларини бу жараён яққол кўринмоқда. Оилавий маросимларда трансформацияга учраган чақалокни чўмилтириш маросими, чақалокқа исм қўйишда аёлларнинг дастурхон ёзиш маросими ва бошқа маросимлар кўриш мумкин. Шунингдек, суннат тўйлари XX асрнинг 80-90 йилларида катта даража билан ўтказилган. Жумладан, наҳорда “Ош” маросими, пешин вақтида “Хотин оши”, кечкурун “Эркалар базми” нишонланган. Бугун бу маросим ҳам ихчамлашиб, трансформацияга учрамоқда ва кўп ҳолларда “Бешик тўйи” ёки “Қовурдоқ” маросимларига қўшилиб нишонланмоқда.

Никоҳ тўйи ўзбек халқи этник маданиятидаги муқим сақланиб келаётган, ташкилий нуқтаи назардан трансформацияларга учраган бўлса-да, ижтимоий моҳиятига кўра инсонпарварлик ғояларини тарғиб этувчи миллий қадриятлардан биридир. Зардуштийликка хос кўпгина маросимлар ўзбек этник маданиятидан жой олган. Тўғри, уларнинг барчаси сақланиб қолган эмас, айримлари э трансформацияга учраган ёки унутилган. Шундай маросимлардан бири «Ўт она», «Олов аёл»дир. Бу маросим учун тажрибали, масъулиятли, зардуштийлар урф-одатларини билган аёл танлаб олинган ва у ўз вазифасини (ўтни асраш) бажаришга махсус расм-русумлар бажарилганидан кейин киришган.

Маълумки, XX аср бошларига қадар Туркистонда ханафий мазҳабида фақат битта никоҳ тури- никоҳ-доим (доимий) тан олинган. Мутъе, яъни муддатли никоҳ ҳақиқий эмас деб саналган¹. Собиқ Совет ҳукумати ўрнатилгунга қадар диний никоҳ қонуний ҳисобланган. Қонуний, яъни юридик тасдиқланган никоҳ (гражданлик никоҳи номи билан) илк марта XVI асрнинг охирида Голландияда, ундан сўнг XVII асрнинг ўрталарида Англияда ва XVII асрнинг охирида Францияда белгиланган². Ўзбекларда бу никоҳ тури собиқ Совет ҳукуматининг олиб борилган атеистик сиёсати натижасида XX асрнинг биринчи ярмидан пайдо бўлди. Бу никоҳ Европадан кириб келган никоҳ тури ҳисобланади. Бу никоҳни “фуқаролик никоҳи” деб ҳам номланади. Бу никоҳ XX асрнинг 20 йилларида Ғарбда кенг тарқалган. Бу Ғарбдаги оилавий инқирознинг бошланиши билан боғлиқдир. XVI асрда Европада черковда ўқитилган никоҳ тан олинган бўлиб, турли хил дин вакиллари билан никоҳ қуриш мумкин бўлмаган. Шу боис, икки инсонни “штамп” орқали қонуний никоҳлаш юзага келишига сабаб бўлган. аммо бу черков томонидан тан олинмаганлиги туфайли, бундай никоҳда бўлганларни норасмий, аслида никоҳланмаган, деб ҳисобланганлар. Шу сабабли ўзига мажбурият юкламайдиган норасмий эр-хотинларни бугунги кунда ҳам фуқаролик никоҳи номи билан аташади. Замонлар ўзгариб глобаллашув туфайли бу никоҳ ФХДЁдан ўтиладиган бўлди ва қонуний деб тан олинди. Бу никоҳни исталган вақтда бекор қилиш имконияти ҳам мавжудир. Ҳозирда Ғарбда, эр-хотин сифатида бирга яшаётган оилалар кўп, бунга эркак билан аёлнинг ўзаро келишуви сабаб бўлади. Бироқ бу оилалар ҳам эски одат бўйича фуқаролик никоҳи деб аталаверилади. Бугунги кундаги фуқаролик никоҳи – бу синовдаги оила бўлиб, икки томон анъанавий никоҳ ёки қонуний никоҳ қургунга қадар бир-бирларини норасмий никоҳда синайдилар. Агар бир-бирларига мос келиб, яхши яшаб кетсалар, ҳақиқий турмуш ҳам қуришлари мумкин.

Ўзбеклар орасида асл ҳолатдаги фуқаролик никоҳидан кўра кўпроқ синовдаги оила мавжуддир, деса бўлади. Яъни эркак ва аёл бирга яшашади, аммо ўртада “никоҳ шартномасини” тузишмайди. Фуқаролик никоҳи, хусусан никоҳ шартномаси Ўзбекистонга яқинда кириб келганлиги боис ҳали ўзбеклар орасида кенг тарқалиб улгурганича йўқ.

Глобаллашув жараёнлари никоҳ тўйи маросимларининг айрим жиҳатларига ўз таъсирини кўрсатди. Жумладан, келин ва куёвнинг либослари, қонуний никоҳдан ўтиш тадбирини амалга оширишдаги куёв ва келиннинг сайрга чиқиши, европача усулда тўйда меҳмон кутиш (кафе ва ресторан), қўйиладиган таомлар турлари ва бошқаларни киритиш мумкин.

Маълумки, тарбияда миллийликнинг йўқолиши миллат маънавий тараққиёти учун катта тўсиқдир. Чунки, мутахассисларнинг фикрича, “Тарбияда миллийлик қанча кўп

¹ Отахўжаев Ф.М. Никоҳ ва унинг ҳуқуқий тартибга солиниши. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – Б. 35.

² Отахўжаев Ф.М. Никоҳ ва унинг ҳуқуқий тартибга солиниши. – Б. 54.

бўлса, миллат шунча кучли бўлади. қачонки бола тарбиясида миллийлик ўлар экан, бу миллат инқирозининг бошланишидир”³.

Ўғил бола тарбияси жараёнида юз бераётган бундай ўзгаришлар оилаларнинг инқирози, отасизликнинг кўпайиши, ижтимоий-маънавий “тирик етимлар” сонининг кўпайиши, ижтимоий-маънавий мувозанатнинг бузилиши каби салбий оқибатларга олиб келиши мумкинки, ҳозирги “ғарб маданияти” моделида яшаётган кўплаб мамлакатлардаги аҳвол бунга мисолдир. Тадқиқотлар ўтган асрнинг 80-йилларида собиқ Совет иттифоқи миқёсида барча болаларнинг ҳар бештадан бир нафари отасиз бўлганини кўрсатади⁴.

Ўзбекларнинг фарзандларига бўлган меҳр-оқибати, уларга турли-туман яхши, эзгуликка йўғрилган урф-одатлари, расм-русумлари, анъана, таомил ва удумларининг бисёрлигидан, уларнинг аجدодларидан авлодларига сингдирилиб келинаётганлигидан ҳаёратга тушган сайёх Ҳерман Вамбери, “Ўрта Осиё халқларининг урф-одатларини юксак даражада мақтовга сазовор бўладиган томонлари шуки, улар ўз миллий характериға эға бўлган ажойиб фазилатларини қатъият билан сақлайдилар”, – деб ёзган эди⁵.

Оилавий маросимларда трансформацияға учраган чақалоқни чўмилтириш маросими, чақалоққа исм кўйишда аёлларнинг дастурхон ёзиш маросими ва бошқа маросимлар кўриш мумкин. Шунингдек, суннат тўйлари XX асрнинг 80-90 йилларида катта дабдаба билан ўтказилган. Жумладан, наҳорда “Ош” маросими, пешин вақтида “Хотин оши”, кечкурун “Эркалар базми” нишонланган. Бугун бу маросим ҳам ихчамлашиб, трансформацияға учрамоқда ва кўп ҳолларда “Бешик тўйи” ёки “Қовурдоқ” маросимларига кўшилиб нишонланмоқда. **Никоҳ тўйи** ўзбек халқи этник маданиятидаги муқим сақланиб келаётган, ташкилий нуқтаи назардан трансформацияларға учраган бўлса-да, ижтимоий моҳиятиға кўра инсонпарварлик ғояларини тарғиб этувчи миллий қадриятлардан биридир. Зардуштийликка хос кўпгина маросимлар ўзбек этник маданиятидан жой олган. Тўғри, уларнинг барчаси сақланиб қолган эмас, айримлари ё трансформацияға учраган ёки унутилган. Шундай маросимлардан бири «Ўт она», «Олов аёл»дир. Бу маросим учун тажрибали, масъулиятли, зардуштийлар урф-одатларини билган аёл танлаб олинган ва у ўз вазифасини (ўтни асраш) бажаришға махсус расм-русумлар бажарилганидан кейин киришган.

Глобаллашув жараёни ва собиқ иттифоқ тизимининг таъсири натижасида Ўзбекистонда “комсомолча тўй”, “қизил тўй” ёки “янги́ча тўй” деб аталаётган тўйларимизнинг маросимларининг негизи ғарбдан кириб келган. “эски́ча тўй”дан фарқи шуки, уларнинг барчасидаги янгилик, тўйхоналарға стол-стуллар кўйилиши, уларға барча ноз-неъматлар билан турли-туман шишаларнинг киритилиши, ўйин-кулги ва маълум вақт

³ Волков Г.Н. , Баубекова Г.Д. Этнопедагогика. – Ташкент: Фан, 2000. – С. 36.

⁴ Городская и сельская семья. – Москва., 1987. – С. 46.

⁵ Вамбери Г. Очерки Средней Азии. – Москва., 1868. – С. 296.

ичида ўтириш қилиниб, тарқалиши, эрталаб гоҳо эл-юртга ош тортмаслик, нонушта бермаслик, хотинлари учун алоҳида ош дамламасликка эришишлар ҳисобига янгича деб қаралган. Аммо исрофгарчилик, тўполон, атрофга тарқалаётган шовқин-сурон ва бошқа ўзига хос янгиликлар эса олдинги тўйларга нисбатан бир неча баробар ортиқча бўлаётган эди⁶.

“Янгича” ниқоби остида отарчилик, яллачилик, турли тайинли-тайинсиз суюқоёқларнинг тўйма-тўй юришни одат қилишлари, ёшларнинг ичишга, тўйма-тўй сандираклаб юришга одат қилишлари, булар янгиликни бузаётир.

XX асрнинг 80-йилларидан бошлаб, куёвникида келин ва куёв шаънига базм уюштириб, стол усти дастурхонига турли ноз-неъматлар билан бирга спиртли ичимликлар қўйилиб, иштирокчилар томонидан улар шаънига самимий истаклар билдириш анъанага айланди. Шунингдек, кейинги йилларда ФХДЁ бўлимларида никоҳдан ўтилгандан кейин базм уюштириш, енгил машиналарда келин-куёвнинг сайр этиши, расм ва видео тасмаларга тушиши, улуғ кишилар ҳайкали пойига гуллар қўйиши, никоҳ кечаси базмига донгдор санъаткорларни таклиф этиш каби расм-русумлар кириб келди⁷.

Глобаллашув жараёни никоҳ маросимларига қуйидагича таъсир этмоқда:

1. никоҳ маросимида қатнашувчи келин-куёв ва унинг яқин қариндошлари кийимларида “европача” кийимлар: фата, кастюм-шим, галстук ва бошқаларни кийилиши. Аксарият тўйга келган аёлларнинг кийимларини торлиги, “европача” типдаги кийимларни кийиши билан ажралиб туриши, Миллий кийимлардан бўлган тўн, дўппи, махси ва бошқалар фақатгина маросим ўтказиладиган вақтларда номига кийилмоқда.
2. никоҳ базми арафасида келин-куёвлар турли русмдаги автомашиналарда сайр қилиш, фотосуратларга тушиши, видео тасмаларга олиниши, улуғ кишилар ҳайкали пойига гуллар қўйиши каби маросимларнинг кириб келиши.
3. тўйларнинг кўпчилик қисми ресторан, кафе, тўйхоналарда ўтказилиши.
4. Никоҳ базмлари дастурхонларига турли спиртли ичимликларнинг дастурхонга қўйилиши, миллий таомлар билан бирга, европа ва карейс салатларининг қўйилиши, тропик мевалардан банан, мандарин, ананас кабиларни қўйилиши, торт кесиш маросими каби одатларни ўтказилиши.
5. келин-куёвнинг европача рақслар: танца, танго кабиларни тушиши.
6. шаҳарларда никоҳ базмига келувчи меҳмонларга таклифномаларнинг тарқатилиши, уларда акс этган тасвирларнинг кўпчилиги “европача” типда экалиги билан ажралиб туради.
7. келин-куёвнинг “гарнитур”ларининг Европача типда бўлиши.

⁶ Исмоилов Х. Ўзбек тўйлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – Б. 155.

⁷ Аширов А. Ўзбекларнинг этномаданий қадриятлари ва анъаналари // Ўзбек миллий фолклор санъати ва этномаданий қадриятлар. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Наврўз, 2014. – Б. 44.

Адабиёт руйхати:

1. Атаходжаев Ф.М. Брак и его правовое регулирование. - Ташкент: Узбекистан, 1995. – 78 с.
2. Волков Г.Н. , Баубекова Г.Д. Этнопедагогика. - Ташкент: Наука, 2000. – 240 с.
3. Городская и сельская семья. - : [Сборник / Редкол.: Д. И. Валентей (пред.) и др.]. - Москва : Мысль, 1987. - 284
4. Вамбери А. «Очерки Средней Азии». –Москва., 1868. – 361с.
5. Исмаилов Х. Узбекские свадьбы. - Ташкент: Узбекистан, 1992. – 125с.
6. Аширов А. Этнокультурные ценности и традиции узбеков // Узбекское национальное народное искусство и этнокультурные ценности. Учебное пособие. – Ташкент: Навруз, 2014. – 600 с.